

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВА САЙЁРА ЗАФАРЖОНОВНА

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ТЕЗПИШАР ШАКЛЛАРИНИ
ЯРАТИШДА ТУРЛИ МУТАНТЛАРНИ ДУРАГАЙЛАШ
САМАРАСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

УЎТ: 633.511:575.127.3:581.154

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Эргашева Сайёра Зафаржонова

Ўрта толали ғўзанинг тезпишар шакллари яратишда турли мутантларни дурагайлаш самараси 3

Эргашева Сайёра Зафаржонова

Эффективность гибридизации мутантов различного происхождения в селекции скороспелых форм средневолокнистого хлопчатника 19

Ergasheva Sayyora Zafarjonovna

Effectiveness of intermutant hybridization to improve earliness of upland cotton 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВА САЙЁРА ЗАФАРЖОНОВНА

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ТЕЗПИШАР ШАКЛЛАРИНИ
ЯРАТИШДА ТУРЛИ МУТАНТЛАРНИ ДУРАГАЙЛАШ
САМАРАСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx204 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Паридун Шукурович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нариманов Абдужалил Абдусаматович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Абдиев Фозил Рашидович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539048 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг шимолий минтақаларида жойлашган пахта етиштирилаётган давлатлари учун тезпишарлик энг долзарб муаммолардан бири. Ер юзида аҳоли сонининг ўсиши ва суғориладиган экин майдонларини чекланиб бораётганлиги, дунё давлатларининг қишлоқ хўжалигида экилаётган экин майдонларини кенгайтирмасдан юқори ва сифатли ҳосил олишни тақозо қилади. Бу вазифани ечиш учун олимлар турли генетик усуллар орқали кўп экстремал омилларга бардошли бўлган навлар яратимокдалар. Шунинг учун ҳам, районлашган ғўза навлари чигитларини турли хил мутагенлар таъсирида нурлантириб, олинган мутантларни мутантлараро дурагайлаш натижасида янги мутант шаклларни яратиш долзарб вазифа бўлиб келмокда.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида пахтачилик соҳаси бўйича турли генетик услублардан кенг фойдаланиб келинмокда ва булардан бири сунъий мутация ҳисобланади. Соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ионизациялашган радиация ўта нозик ускуна сифатида хромосомаларнинг таркибига аралashiши ва мейоз жараёнида хромосомаларнинг конъюгацияси ва алмашишда ишлатилиши маълум бўлиб, натижада белгиларнинг ривожига ёки ўзгаришига асос бўлган ва турли хил мутантларнинг пайдо бўлиши 4-5 фоизни ташкил этиб, қолганлари инсон талабига жавоб бермаган. Шунинг учун ҳам селекционерлар олдида, янги мутант шакллар асосида тезпишар, серҳосил ва тола сифати талабга тўла жавоб берадиган тизма ва нав яратиш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда янгидан яратилаётган навлар нафақат тезпишар, балки серҳосил, тола сифати жаҳон бозори андозаларига тўлиқ жавоб берган ҳолда асосий касалликлар ва зараркунандаларга бардошли бўлиши керак. Белгиларнинг салбий корреляцион боғлиқликларини мавжудлиги туфайли бир генотипда барча хўжаликка қимматли бўлган белгиларнинг юқори кўрсаткичларини мужассамлаштириш мақсадида нафақат радиацион мутагенез, балки мутантлараро дурагайлаш услубидан фойдаланиш зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонининг 3.3. бандида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли маҳаллий ер иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» муҳим стратегик вазифа сифатида белгилаб берилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги ВМ-1037-сон «2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳага таълуқли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза селекциясида ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган янги навлар яратишда бошланғич ашёнинг аҳамияти катта. Ҳозирги кунда дунё олимлари (E.Wisman, M.S.Ramanna, W.D.Witherspoon, Y.S.Xu, E.Murto, O.Yatou, E.Amano, Y.X.Zhang, Y.Lespinasse) томонидан экспериментал мутагенез орқали кўп ҳашаротлар ва касалликларга бардошли бўлган буғдой, арпа, сули, помидор, мевали дарахтлар ва бошқа манзарали ўсимликлар бўйича турли мутантлар олинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон шароитида радиацион мутагенез соҳасидаги ишлар XX асрнинг 50 чи йилларида бошланган. Бунда турли физикавий, кимёвий ва биологик мутагенлар таъсирида табиатда учрамайдиган кўплаб мутант ўсимликлар олинган (Ш.И.Ибрагимов, Р.И.Ковальчук, П.Пайзиев, А.Э.Эгамбердиев, Н.Н.Назиров, Р.К.Шепелев, С.С.Бережной ва бошқалар). Улар турли хил ўсимликларга нурлар билан таъсир этиб янги навлар яратишга муваффақ бўлган. Шундай бўлса ҳам пахта толаси ҳосилдорлигини ошириш масаласини ечиш учун ҳар хил мутагенлар таъсирида нурлантириб, олинган мутантларни дурагайлаш натижасида тезпишар, юқори тола ҳосилдорлигига эга бўлган, вилт касаллигига бардошли тизма ва навларини яратиш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-043-2015 «Келиб чиқиши турли бўлган мутантлараро дурагайлаш асосида ғўзанинг иммун шаклларини яратиш» (2015-2017 йй.) ва ҚХА-КХ-2018-175 «Янги жаҳон талабларига биноан тола сифати IV типга мансуб ва тола чиқими 40 фоиздан юқори бўлган янги тезпишар, вилт касаллигининг бир неча ирқларига бардошли бўлган навни яратиш Давлат комиссияси грунтназоратига топшириш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг ўрта толали навлари ва тизмаларини турли хил мутагенлар таъсирида нурлантириб, олинган мутантларни мутантлараро дурагайлаш орқали янги тезпишар, вилтга чидамли бўлган бошланғич ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўрта толали навларни Co^{60} ва электрон тезлатгичи орқали турли дозаларда нурлантириш ва ишлов бериш;

мутантлар ўсимликларни ривожланишини мониторингдан ўтказиш ва С-6524 андоза нави билан таққослаш;

$F_1(M_1 \times M_1) - F_3(M_1 \times M_1)$ авлодларида миқдорий ва сифат белгилар бўйича вариацион таҳлил ўтказиш;

энг серхосил мутант оилаларни танлаш ва ажратиб олинган янги оилаларни тизма сифатида назорат кўчатзорида синаш;

$F_2(M_1 \times M_1) - F_3(M_1 \times M_1)$ генерацияларда хўжаликка қимматли бўлган белгилар орасидаги фенотипик корреляцияларни ўрганиш ва якка танлов ишларининг самарасини аниқлаш;

ажралиш жараёнида белгиларнинг ирсийланиш даражасини аниқлаш, тола миқдори ва сифати белгиларининг авлоддан-авлодга ўтишда ирсийланиш коэффициентини ўзгаришини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида яратилган ўрта толали ғўзанинг С-2612, Султон, Барҳаёт, С-2615, Л-20 ва Л-707 навларининг Co^{60} ва электрон тезлатгич билан 2, 3, 4 қр дозаларда нурлантирилган мутантларнинг дурагай авлодлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мутантлар ва мутантлараро дурагайларда тезпишарлик, маҳсулдорлик, тола чиқими ва сифати ҳамда вилтга чидамлилик хусусиятини таҳлил қилиш ва улар асосида белгиларнинг барқарорлигини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала шароитида вилт замбуруғлари билан табиий кучли даражада зарарлантирилган муҳитда мутант дурагайларни ўрганиш ва тезпишар генотипларни ажратиш учун Д.Г.Минько ва П.В.Попов услуги бўйича ўсимликларнинг вилт билан зарарланиши баҳоланди ва вегетация даври П.Содиков услуги орқали аниқланди. Дала ва лаборатория шароитида дурагайларнинг ўсимлик бўйи, ҳосил шохлари сони (симподиал), ўсув шохлари сони (моноподиал), 1 та ўсимликдаги кўсақлар сони, маҳсулдорлиги, тола чиқими, 1 та кўсақдаги пахта вазни ва толанинг сифат кўрсаткичлари аниқланди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) услуги асосида статистик таҳлилдан ўтказилди. Толанинг сифат кўрсаткичлари «Сифат» сертификатлаш марказида ва ПСУЕАИТИнинг «Тола технологияси» лабораториясида мавжуд НВИ замонавий ўлчов асбобида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги ва истиқболли навларга турли хил мутагенларни таъсир эттириш орқали яратилган мутант ўсимликларни ўзаро частиштириб, уларнинг авлодларини аксарият хўжаликка қимматли белгилар бўйича гибридологик таҳлил қилинган;

барча қимматли хўжалик белгилари бўйича ўзгарувчанлик мутантлар ва мутант дурагай авлодларида қиёсий ўрганилган ва трансгрессив ўсимликларнинг пайдо бўлиши мутантлараро дурагайлашда юқори бўлганлиги исботланган;

мутантлараро дурагайларнинг генерацияларида корреляцион боғланишларнинг ўзгариши таҳлил қилиниб, бевосита селекция жараёнига жалб этилган, яъни тезпишар ҳамда тола сифати жаҳон бозори андозаларига

жавоб берадиган янги тизмалар яратишда мутантлараро чатиштириш услуби биринчи маротаба қўлланилган;

мутантлараро дурагайлаш жараёнида микдорий белгиларнинг ирсияти ўсиши натижасида ажратилган генерацияларда танлов ишларининг самараси юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар натижасида 10 та сертолали, тезпишар, юқори маҳсулдор, вилтга бардошли, тола чиқими юқори ҳамда тола сифати IV-типга жавоб берадиган янги бошланғич ашёлар яратилган;

комплекс белгиларнинг юқори кўрсаткичлари ва тола сифати IV-типга тўлиқ жавоб берадиган 4 та тизма (Т-19, Т-25, Т-32, Т-37) 2019 йилда кичик нав синаш кўчатзорига андоза С-6524 нави билан таққослаб ўрганиш учун топширилган;

тадқиқотлар натижасида яратилган С-2616 нави Давлат нав синаш марказининг грунтназоратида 98% наводорликка эга бўлганлиги учун вилоятлардаги ДНС комиссия шахобчаларига синаш учун тавсия этилган ва бирламчи уруғчилик ишларини 0,6 га майдонда 530 та оилалар институтда кўпайтирилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг ҳар йилги апробациядан ўтказилганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги; назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мослиги; илмий-тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги; олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – турли мутагенлар таъсир этириб олинган мутантлараро чатиштириш натижасида олинган F₁-F₃ дурагай ўсимликларида морфобиологик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг авлодларда ирсийланиш қонуниятлари ўрганилганлиги, белгилар ўртасидаги ўзаро ковариацион боғлиқликлар, қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда мутантлараро чатиштиришлардан фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – ғўзанинг тезпишар, генотипик жиҳатдан бир хил бўлган бир қатор оила ва тизмаларни ажратиб олинганлиги ва генетик-селекцион тадқиқотларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги амалий исботланганлиги ҳамда янги С-2616 ғўза навини яратилган. Янги яратилган тезпишар, вилтга бардошли ва тола сифати IV-типга тўлиқ жавоб берадиган тизмаларни донорлик хусусиятларини ўрганиб селекция жараёнига жалб этилди ҳамда илмий дастурларга киритилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта толали ғўзанинг тезпишар шаклларини яратишда турли мутантларни дурагайлаш самараси бўйича олинган натижалар асосида:

ўрта толали ғўзанинг С-2612, Султон, Барҳаёт, С-2615, Т-20 ва Т-707 навлари ва тизмаларининг турли мутагенлар билан нурлантирилган мутантларидан фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19

июлдаги 04/020-1281-сон маълумотномаси). Натижада диққатга сазовор бўлган Т-19, Т-25, Т-32 ва Т-37 тизмалари яратилган;

ғўзанинг ўрта толали мураккаб мутант гетерозиготали генотипларида тезпишарлик ва вилт касаллигига бардошлилик хусусияти ҳамда кўсакларнинг очилиш суръати аниқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 04/020-1281-сон маълумотномаси). Натижада бир қанча белгилар бўйича ноёб бўлган тизмалари яратилган;

тола ҳосилдорлиги юқори, тезпишар, тола индекси юқори янги С-2616 нави яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 04/020-1281-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навнинг навдорлиги 98% бўлганлиги маълум бўлди ва Тошкент вилояти Қибрай тумани Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида 0,6 га майдонда бирламчи уруғчилик кўчатзорлари ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Пахта селекциясида радиомутагенезнинг тарихи ва олиб борилаётган тадқиқотлар ҳамда ўсимликларда турли хил мутагенлар таъсирининг самараси**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан республикаимиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи, хусусан радиомутагенез тарихи, ривожланиши ҳамда ютуқлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, мутация усулларида фойдаланиб янги навлар яратиш ишлари

бўйича бошқа давлатлардаги тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шарҳда келтирилган ва таҳлил қилинган илмий натижалар ўқувчида диссертацияда кўтарилган муаммо юзасидан керакли ва етарли даражада маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, объектлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобда олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва унинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида, селекцион-генетик изланишларни амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар 2015-2018 йиллар мобайнида амалга оширилганлиги, хусусан, тажрибалар дала ва сунъий шароитларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг «Ўза иммунология ва сунъий иқлим» лабораториясида олиб борилганлиги келтирилган. Тадқиқотларда ўрта толали ўзанинг С-2612, Султон, Барҳаёт, С-2615, Л-20 ва Л-707 навларининг турли мутагенлар билан нурлантирилган мутант авлодлари қўлланилган. Мутагенлар сифатида Co^{60} 2, 3, 4 қр ва электрон тезлатгич ушбу дозаларда ишлатилди. Сўнг M_1 ўсимликлар ўзаро чатиштирилиб, $F_1 (M_1 \times M_1)$ дурагайлар олиниб, иссиқхона шароитида ўрганилди. $F_2 (M_1 \times M_1) - F_3 (M_1 \times M_1)$ авлодлари дала шароитида асосий хўжаликка қимматли белгилар бўйича ўрганилди ва лаборатория шароитида маълумотлар таҳлил қилинди. Барча маълумотлар Б.П.Доспехов услуби ёрдамида математик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг «Радиомутантлараро $F_1 (M_1 \times M_1)$ дурагайларини келиб чиқиши ва белгиларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида M_1 ўсимликларнинг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича таҳлили келтирилган. Тажрибага жалб этилган ўза навлари ва тизмаларнинг радиотаъсирчанлиги турлича бўлганлиги ва уларнинг мутагенларга таъсирчанлиги ҳар хил бўлганлиги аниқланди. С-2615 навининг энг кўп мутант шакллари пайдо бўлиши ЭТ-II ва CO^{60} III мутагенлар таъсири кузатилди. Л-20, Л-707 тизмаларнинг CO^{60} I, CO^{60} III мутагенлар таъсирида тезпишар сермахсул юқори тола чиқими ва индекси белгилари бўйича ижобий ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди, Барҳаёт ва Султон навлари бўйича энг юқори самарали мутаген ва миқдорлар ЭУ-I ва CO^{60} I бўлганлиги маълум бўлди. Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида мутантларнинг чатиштириш тизими ва натижалари келтирилган. Энг сермахсул мутант дурагай комбинацияларда чатишган гулларнинг миқдори 60-70% ни ташкил этди. Бошқаларда эса, бу кўрсаткич 30-60% дан ошмади. Чатишган гуллардаги чигитлар сони кейинги йилда биринчи йил биологик кўчатзорида дала ва иссиқхона шароитида $F_1 (M_1 \times M_1)$ тажриба қўйиш учун етарли бўлди.

Диссертациянинг «Ажралиш жараёнидаги $F_1 (M_1 \times M_1)$ дурагайларнинг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи бўлимида мутантлараро дурагайларнинг лаборатория ва дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида $F_1 (M_1 \times M_1)$ ўсимликларда ўсимликлар бўйи ва симподиал шохлар сони ҳамда кўсақлар

сони бўйича гетерозис ҳолати кузатилди. Аксарият мутантлараро дурагайларда тола чиқими 42-44 фоизни ташкил этди ва бундай ҳолатга оддий навлараро дурагайлаш услуги орқали эришиш жуда қийин. Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида $F_1 (M_1 \times M_1)$ дурагайларда тола сифати белгиларининг шаклланиши келтирилган. Тола миқдори ва сифати кўрсаткичлари мутантлараро дурагайларда андоза навига нисбатан доминантликни намоён этди. Шундай қилиб, мутантлараро дурагайлаш услуги белгиларининг кенг ўзгарувчанлигига асос бўлади ва 37 чи кодга ва тола чиқими 40% дан юқори бўлган ноёб генотипларни яратишга имкон беради.

Диссертациянинг « **$F_2 (M_1 \times M_1)$ мутантларда асосий хўжаликка қимматли бўлган белгиларнинг ирсийланиши**» деб номланган бешинчи бобнинг биринчи бўлимида ҳосил шохининг баландлиги кўрсаткичи келтирилган. Бунда ўзгарувчанлик $F_2 (M_1 \times M_1)$ дурагайларда 11-14% ташкил этди ва бунда F_2 (I ЭТ С-2612 \times Султон CO_1), F_2 (II ЭТ С-2612 \times Л-20 CO_2), F_2 (III ЭТ С-2612 \times Барҳаёт CO_3), F_2 (III ЭТ С-2615 \times Барҳаёт CO_3) ва F_2 (III ЭТ Султон \times Барҳаёт CO_3) дурагайларда hS 4-чи бўғинда пайдо бўлганлиги аниқланди. Тадқиқотларда 4-5 бўғинларда кўплаб ўсимликлар биринчи шохда бўлганлиги ва F_2 мутантлараро дурагайларда униб чиқиш-гуллаш даврининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда ўсимликлар сони ўзгармади ва энг эрта гуллайдиган ўсимликлар, яъни 56 кунда F_2 (I ЭТ С-2612 \times Султон CO_1), F_2 (II ЭТ С-2612 \times Л-20 CO_2), F_2 (I ЭТ Л-20 \times Султон CO_1), M_5 (7.5:1) дурагайларда кузатилди. Бундай ўсимликлар сони 76 тани ташкил этди. Вариация коэффиценти 14-20% ташкил этди. Шундай қилиб эрта шоналаган ўсимликлардан эрта гуллаган ўсимликлар сони 47.5% ташкил этди. Бундан ташқари, F_2 мутантлараро дурагайларда вегетация даври белгисининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда мутантлараро дурагайларида андоза навидан 13-14 кунга эртапишар ўсимликлар F_2 (I ЭТ С-2612 \times Султон CO_1), F_2 (II ЭТ С-2612 \times Л-20 CO_2), F_2 (I ЭТ Л-20 \times Султон CO_1) дурагайларда пайдо бўлди. Демак, мутантлараро дурагайларида “гуллаш-пишиш” фазаси қисқа муддатда бўлиши ва тезпишар ўсимликларнинг кўпи сентябр ойида пишиди. Диссертациянинг бешинчи бобининг иккинчи бўлимида F_2 мутантлараро дурагайларда 1000 дона чигит вазнининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Чигитлар вазни 100 граммдан 140 граммгача оралиғида намоён этди. Энг вазни юқори бўлган чигитлар кўплаб F_2 (III ЭТ С-2615 \times Барҳаёт CO_3), F_2 (I ЭТ Султон \times Султон CO_1), F_2 (II ЭТ Л-20 \times С-2612 CO_2), F_2 (III ЭТ Л-707 \times Барҳаёт CO_3), F_2 (С-2612 \times M_4 7.5:1), F_2 (С-2612 \times M_4 7.5:1) дурагайларда учради. Уларни M_1 ҳолатида вазни юқори бўлган ўсимликларнинг чатиштириш натижасида пайдо бўлди деган фикрга келдик.

Шундай қилиб, 1000 дона чигит вазни сермахсул ўсимликларда пайдо бўлиб турлича тезпишар ва тола чиқимга эга бўлган ўсимликлар селекция фанида ноёблиги билан ўз ўрнини эгаллайди. Шу билан бирга, F_2 мутантлараро дурагайларда тола чиқимининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда энг кам толали ўсимликларда тола чиқими 32% бўлди ва энг сертолалиларда тола чиқими 41% ташкил этди. Барча мутант дурагайларида 37-41% тола чиқими бўлган ўсимликлар пайдо бўлди. Тола чиқими бўйича ўзгарувчанлиги 10

синфда кузатилди ва уларда трансгрессив ўсимликлар мавжуд бўлди, яъни тола чикими 40-41% ташкил этди. Демак, мутантлараро чатиштириш натижасида аксарият ўсимликларда ижобий ҳолат кузатилди ва вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашган ўсимликлар селекция учун катта аҳамиятга эга. Шуни айтиш керакки, F₂ мутантлараро дурагайларда маҳсулдорлик белгисининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда мутантлараро дурагайларда ўртача кўрсаткич 68-105 граммгача ўзгарди. Энг серҳосил ўсимликлар F₂ (II ЭТ С-2615 × Л-20 СО₂), F₂ (I ЭТ Л-20 × Султон СО₁), F₂ (II ЭТ Л-20 × С-2612 СО₂), F₂ (III ЭТ Л-707 × Барҳаёт СО₃) ва F₂ (С-2612 × М₄ 7.5:1) дурагай комбинацияларида учради, уларнинг маҳсулдорлиги 125 г. гача етди. Бироқ селекция жараёнида бир дона ўсимлик навга асос бўлиши олимларга маълум. Кўп омилларга боғлиқ бўлган белгиларда вариация коэффиценти юқори бўлди ва бизнинг тажрибаларимизда улар 16-46% ташкил этди. Бешинчи бобнинг сўнгида F₂ мутантлараро дурагайларда ковариацион таҳлил натижалари келтирилган. Биринчи ҳосил шохнинг баландлиги вегетация даври билан кучсиз ва ўрта ижобий боғланишлари кузатилди. Унда hS камайиши билан вегетация даври ҳам қисман қисқаради. Лекин бу ҳолат аксарият ўсимликларда учрамади. Худди шундай ҳолат шоналаш даври билан бўлганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг орасидаги корреляция коэффиценти 0,3-0,43 ни ташкил этди. Маҳсулдорлик билан тезпишарлик орасидаги боғланишлар салбий бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат вегетация даври қисқариши билан очилган кўсақларнинг сони ошиб бориши ва натижада маҳсулдорлик юқори бўлгани сабабли корреляциялар салбий бўлиб, бу ҳолатни ижобий деб, баҳолаш керак.


Диссертациянинг «**F₃ мутант дурагайлар оилаларнинг вариацион қатор таҳлилининг натижалари**» деб номланган олтинчи бобнинг биринчи бўлимида F₃ мутантлараро дурагай оилаларнинг айрим морфоҳўжалик белгиларининг кўрсаткичлари келтирилган. 2018 йилда 12 та мутантлараро F₃ дурагайлари андоза нави билан таққосланиб ўрганилди. Гуллаш фазаси F₃ дурагайларда 54 кундан 58 кунгача бўлгани маълум бўлди. Бу эса андоза навидан 3-7 кун эрта гуллади, лекин шу билан бирга вегетация даври бўйича дурагайлар 11 кунга эрта очилди. 1 дона кўсақ вазни андоза навда 5,1 г. ни ташкил этган бўлса, F₃ (I ЭТ С-2612 × Султон СО₁), F₃ (II ЭТ С-2612 × Л-20 СО₂), F₃ (III ЭТ Султон × Барҳаёт СО₃) комбинацияларда бу белгининг кўрсаткичи 6 г.дан юқори бўлди. Кўсақ вазни юқори бўлган дурагайларда ҳам 1000 дона чигит вазни андоза навга нисбатан тенг бўлиб, тола чикими С-6524 андоза навидан 8% гача юқори бўлганлиги аниқланди. Сўнг ушбу бобда F₃ мутантлараро дурагай оилаларни ҳосил шохининг баландлиги келтирилган. Ҳар бир вариант бўйича оилалар сони 23 тадан 28 гача аниқланди. Ўзгарувчанлик F₃ (M₁ × M₁) дурагайларда 9,6-12,6% ташкил этди ва бунда барча дурагайларда hS 4-чи бўғинда пайдо бўлганлиги аниқланди. Умуман 4-5 бўғинларда кўплаб ўсимликлар биринчи шохни намоён этди. 4-5 ва 6 бўғинларда пайдо бўлган ўсув шохни намоён этган ўсимликларга алоҳида эътибор берилди. Бундан ташқари ушбу бобда F₃ мутантлараро дурагайларда «униб чиқиш-гуллаш» даврининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда ўсимликлар тақсимоти 8 синфга бўлинди (56-70 кунлар). F₃

оилалари андоза навига қараганда 6 кунга эрта гуллади. Бундай оилалар сони 13 тани ташкил этди. Эрта гуллаган ўсимликлар этикеткаланиб, алоҳида кузатилди. Вариация коэффиценти 12,9-16,1% ташкил этди. Шундай қилиб, эрта гуллаган оилалар сони 30% дан юқори бўлди. Шу билан бирга F₃ мутантлараро дурагайларида вегетация даври белгисининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Мутантлараро дурагайларида андоза навидан 13-14 кунга эртапишар ўсимликлар 3 ва 4-чи дурагайлардан ташқари барчасида пайдо бўлди. Умуман барча дурагайларда тезпишар оилалар мавжуд бўлган ва уларнинг сони 156 тани ташкил этди. Вариация коэффиценти 10,3-14,1% ташкил этди. Демак, мутантлараро дурагайларида «гуллаш-пишиш» фазаси тез муддатда кечар экан ва тезпишар ўсимликларнинг кўпи сентябр ойида пайдо бўлди (1-жадвал). F₃ мутантлараро дурагайларида 20 сентябрда очилган кўсақлар сони бўйича вариация қатори келтирилган. Бунда кўп тезпишар мутант дурагайларида 20 сентябр кунига 90% ўсимликлар кўсақлари очилгани маълум бўлди. Андоза нави С-6524 да 20 сентябр оилаларда ўртача 56% очилган эди, мутант дурагайларни 50% ўсимликлари 70-90% ни ташкил этди. Демак, тезпишарликнинг ҳақиқийлиги териш кунига неча фоиз кўсақлар очилиши билан асосланади, деган хулоса қилиш мумкин ҳамда F₃ мутантлараро дурагай оилаларида 1000 дона чигит вазнининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Диссертациянинг олтинчи бобнинг иккинчи бўлимида ўсимликлар 9 синфга бўлиб, ўзгарувчанлик даражаси 19-28% ташкил этади. Чигитлар вазни 110 граммдан 130 граммгача оралиғида намойиш этди. Аксарият мутант дурагайларида 120 граммдан оғир бўлган оилалар учради ва уларнинг сони 182 тани ташкил этди. Уларни M₁ ҳолатида вазни юқори бўлган ўсимликларнинг чатиштириш натижасида пайдо бўлди, деган фикрга келинди. Андоза навининг чигит вазни ўртача 125,3 граммни ташкил этди. Шундай қилиб, 1000 дона чигит вазни сермахсул ўсимликларда пайдо бўлиб, турлича тезпишар ва тола чиқимига эга бўлган ўсимликлар селекция фанида донор сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқотларда F₃ мутантлараро дурагайларида тола чиқимининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Дурагайларда ўртача тола чиқими 34,0-38,2% оралиғида кузатилди. Андоза навида аксарият ўсимликлар 32,0% тола чиқимини намоеън этди. Барча мутант дурагайларида 37-40% тола чиқими бўлган оилалар пайдо бўлди. Демак, мутантлараро чатиштириш натижасида аксарият ўсимликларда ижобий ҳолат кузатилди ва вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашган ўсимликлар селекция учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги талаблар бўйича янги навларда тола чиқими 40% кам бўлмаслиги лозим. Тадқиқотларимизда 40 ва ундан юқори бўлган тола чиқими оилалар сони 18 тани ташкил этди. Олтинчи бобнинг сўнггида F₃ мутантлараро дурагайларида махсулдорлик белгисининг ўзгарувчанлиги келтирилган. Бунда мутантлараро дурагайларда ўртача кўрсаткич 67-82 г. ўзгарди. Андоза С-6524 навида 63 г. дан 80 г. бўлди. Энг серҳосил оилалар 7 комбинациядан ташқари, барча дурагайларда учради, уларнинг махсулдорлиги 95-100 г. гача етди ва бундай оилаларнинг сони 34 тани ташкил этди. Шундай қилиб, мутантлараро чатиштириш натижасида кўпгина сермахсул, тезпишар генотиплар ажратилди ва уларнинг тола сифатини кейин ўрганилди.

F₃ (M₁ × M₁) дурагайларида вегетация даври белгисининг ўзгарувчанлиги (2018 й.).

№ P/C	F ₃ (M ₁ × M ₁) дурагайлар	K=3 кун										N	M±m	Δ	V, %
		104- 106	107- 109	110- 112	113- 115	116- 118	119- 121	122- 124	125- 127						
1	F ₃ (IЭТ C-2612 × Султон CO ₁)	1	3	14	6	3	-	-	-	-	27	111,6±1,8	9,8	14,1	
2	F ₃ (IIЭТ C-2612 × J-20 CO ₂)	21	4	2	1	-	-	-	-	-	28	105,4±1,6	1,0	12,2	
3	F ₃ (IIIЭТ C-2612 × Бархаёт CO ₃)	-	2	1	12	10	1	-	-	-	26	114,6±1,4	9,1	12,8	
4	F ₃ (IЭТ C-2615 × Султон CO ₁)	-	2	3	14	5	3	-	-	-	27	115,2±1,2	9,6	13,4	
5	F ₃ (IIЭТ C-2615 × J-20 CO ₂)	6	16	1	1	1	-	-	-	-	25	107,3±1,7	8,5	10,3	
6	F ₃ (IIIЭТ C-2615 × Бархаёт CO ₃)	19	5	-	-	-	-	-	-	-	24	105,1±2,3	7,7	11,0	
7	F ₃ (IЭТ Султон × Султон CO ₁)	6	12	3	1	1	-	-	-	-	23	109,0±1,9	9,6	10,4	
8	F ₃ (IIIЭТ Султон × Бархаёт CO ₃)	3	3	13	1	1	1	-	-	-	22	111,6±2,2	10,0	12,5	
9	F ₃ (IЭТ J-20 × Султон CO ₁)	2	4	14	4	1	1	-	-	-	26	110,3±1,7	9,5	13,1	
10	F ₃ (IIЭТ J-20 × C-2612 CO ₂)	5	13	5	3	2	1	-	-	-	29	106,8±1,3	11,0	12,7	
11	F ₃ (IIIЭТ J-707 × Бархаёт CO ₃)	19	4	2	-	-	-	-	-	-	25	105,7±2,0	8,8	11,7	
12	F ₃ C-2615 × биомутанг 7,5:1	3	3	13	5	2	1	-	-	-	27	110,6±2,4	9,0	9,2	
13	C-6524 (андоза)	-	-	-	-	5	12	4	4	4	25	121,4±1,8	10,0	11,2	


Диссертациянинг «Тадқиқотлар натижасида яратилган янги селекцион ашёларнинг таснифи» деб номланган еттинчи бобида $F_1 - F_3$ дурагай авлодларда хўжаликка қимматли белгиларнинг ирсийланиши келтирилган. Бунда $F_1 - F_2$ авлодларга нисбатан $F_2 - F_3$ авлодларда ирсийланиш коэффиценти бир поғона юқори бўлди. Масалан, вегетация даври бўйича ирсийланиш $F_1 - F_2$ да 0,42-0,67 бўлса, кейинги авлодда 0,61-0,72 гача кўтарилди. Маҳсулдорлик бўйича ҳам ирсийланиш 0,22-0,35 ни ташкил этган бўлса, $F_2 - F_3$ дурагайларда ушбу белгининг ирсият коэффиценти 0.39-0.55 ни ташкил этди. Тола индекси белгиси ташқи муҳитдан камроқ таъсир этишини инобатга олган ҳолда, ирсият коэффиценти бир мунча юқори бўлди ва авлодларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. $F_1 - F_2$ да 0,51-0,71 гача бўлган булса, $F_2 - F_3$ авлодларда эса 0,53-0,77 гача ўзгарди холос. Тола чиқими белгисининг ирсийланиши кучсиз ва ўрта даражада бўлди ва кейинги $F_2 - F_3$ авлодларда ушбу кўрсаткичлар 63% гача кўтарилди (1 ва 2-расм).



1-расм. F_1-F_2 дурагай авлодларда хўжаликка қимматли белгиларнинг ирсийланиши

1-вегетация даври, кун; 2-маҳсулдорлик, г; 3-тола индекси, г; 4-тола чиқими, %; 5-тола узунлиги, мм; 6-ўсимлик бўйи, см; 7-1000 дона чигит вазни, г; 8-ҳосил шохи сони, дона

Тола узунлигининг ирсийланиши $F_1 - F_2$ да 0,38-0,51 гача бўлганлиги аниқланди ва кейинги авлодда ушбу кўрсаткич 25-30% гача ошди. Барча комбинацияларда ирсийланиш коэффиценти 0,6 дан юқори бўлди.




2-расм. F_2-F_3 дурагай авлодларда хўжаликка қимматли белгиларнинг ирсийланиши

1-вегетация даври, кун; 2-маҳсулдорлик, г; 3-тола индекси, г; 4-тола чиқими, %; 5-тола узунлиги, мм; 6-ўсимлик бўйи, см; 7-1000 дона чигит вазни, г; 8-ҳосил шохи сони, дона

Шундай қилиб, мутантлараро дурагайларда аксарият белгиларнинг ирсийланиш коэффициенти авлодлар сари ошиб бориши маълум бўлди. Бу эса якка танловларнинг самарасини ошишига олиб келади.

Шу билан бирга F₃ мутантлараро дурагайларида ковариацион таҳлил натижалари келтирилган. Бунда вегетация даври (тезпишарлик) билан бир неча белгилар орасидаги боғланишларни аниқладик. Биринчи ҳосил шохнинг баландлиги вегетация даври билан кучсиз ва ўрта ижобий боғланишлари кузатилди. Худди шундай ҳолат шоналаш даври билан бўлганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг орасидаги корреляция коэффициенти 0,38-0,51 ни ташкил этди. Маҳсулдорлик билан тезпишарлик орасидаги боғланишлар салбий бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат вегетация даври қисқариши билан очилган оилаларнинг сони ошиб бориши ва натижада маҳсулдорлик юқори бўлгани сабабли корреляциялар салбий бўлиб, бу ҳолатни ижобий деб, баҳолаш керак. Мутантлараро дурагайлаш натижасида яратилган комплекс белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган 4 та янги оилаларнинг таснифи келтирилган. Андоза нави сифатида С-6524 нави ўрганилди. Ўсимликлар бўйи бўйича 19 ва 25 тизмалар 2-3 см.га юқори бўлди, 32-37 тизмалар 3-9 см.га паст бўлди. Лекин бу кўрсаткичлар пахта маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмади. Бу янги тизмалар 10-12 кунга эрта очилган бўлиб, маҳсулдорлик 20-25 г.га юқори бўлди. Буларнинг ноёблиги шундан иборатки, тола чиқими 6-7% дан юқори бўлишидан иборат. Бунинг натижасида тола маҳсулдорлиги ҳар бир ўсимликда 60% га яқин юқори бўлди.

Тола сифати тўлиқ IV-типга жавоб бериб, андозадан бироз устунлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ушбу тизмаларни кичик нав синовида ўрганиш зарур (3 ва 4-расм).




3-расм. Яратилган янги ғўза тизмалардақимматли-хўжалик белгиларининг таснифи

1-ўсимликлар бўйи, см; 2-вегетация даври, кун; 3-пахта маҳсулдорлиги, г; 4-тола чиқими, %; 5-тола маҳсулдорлиги, г; 6-нисбий узилиш кучи, г.к/текс

Ушбу бобнинг охирида тадқиқотлардаги ажратилган оилаларнинг вилтга бардошлилиги келтирилган. Бунда ҳар бир оилаларада ўсимликлар сони 53-64 та гача ташкил этди. Умумий вилт билан зарарланиш мутантлараро дурагайларда

13,5-28,0% гача бўлганлиги аниқланди. Энг вилтга бардошли оилалар О-25, О-75, О-63 ва О-39 бўлиб чиқди.



4-расм. Яратилган янги ғўза тизмаларда қимматли-хўжалик белгиларининг таснифи

1-тола узунлиги, дюйм; 2-микронейер

Уларда вилт билан умумий зарарланиш даражаси 20% дан ошмади. Вилт билан кучлизарарланиш даражаси кам бўлди. Бу белгининг балл ҳисобида аниқланган ҳолда барча оилалар бардошлилик бўйича андоза С-6524 навидан уч баробар юқори бўлганлиги аниқланди. Бу ерда О-26, О-25, О-14, О-63 ва О-75 оилаларнинг алоҳида айтиб ўтиш лозим (2-жадвал).

2-жадвал.

Тадқиқотлардаги ажратилган оилаларнинг вилтга бардошлилиги (ПСУЕАИТИ, 2018 й.).

Мутант оилаларнинг келиб чиқиши	Ўсимликлар сони, дона	Вилт билан умумий зарарланиш даражаси		Вилт билан кучли зарарланиш даражаси		Вилт билан зарарланиш балларда
		дона	%	дона	%	
С-14 (IЭТ С-2612 × Султон СоI)	57	11	19,2	5	8,7	1,6
С-19 (IIЭТ С-2612 × Л-20 СоII)	56	9	16,0	4	7,1	1,8
С-25 (IIIЭТ С-2612 × Бархаёт СоIII)	59	8	13,5	6	10,1	1,4
С-26 (IЭТ С-2615 × Султон СоI)	50	12	24,0	3	6,0	1,3
С-32 (IIЭТ С-2615 × Л-20 СоII)	61	13	21,3	5	8,1	1,5
С-37 (IIIЭТ С-2615 × Бархаёт СоIII)	57	16	28,0	4	7,0	1,7
С-39 (IЭТ Султон × Султон СоI)	53	11	20,7	6	11,3	2,0
С-51 (IIIЭТ Султон × Бархаёт СоIII)	54	14	25,9	4	7,4	1,8
С-63 (IЭТ Л-20 × Султон СоI)	64	12	18,7	3	4,6	1,7
С-75 (III ЭТ Л-707 × Бархаёт СоIII)	55	9	16,4	3	5,5	1,9
Стандарт С-6524	54	16	29,6	7	12,9	4,2

Шундай қилиб, вилтга бардошли бўлган оилаларда тезпишарлик, маҳсулдорлик, тола индекси ва сифати белгилари намоён бўлди ва ушбу оилалар бошланғич ашё сифатида тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Тажрибага жалб этилган ғўза навлари ва тизмаларнинг радиотаъсирчанлиги ва уларнинг мутагенларга таъсирчанлиги ҳар хил бўлганлиги аниқланди.

2. С-2615 навининг энг кўп мутант генотипларини пайдо бўлиши ЭТ-II ва CO^{60} III мутагенлар таъсири кузатилди.

3. Л-20, Л-707 тизмаларнинг CO^{60} I, CO^{60} III мутагенлар таъсирида тезпишар сермахсул юқори тола чиқими ва индекси белгилари бўйича ижобий ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Барҳаёт ва Султон навлари бўйича энг юқори самарали мутаген ва миқдорлар ЭТ-I ва CO^{60} I бўлганлиги маълум бўлди.

4. М-1 мутант ўсимликлар ўзаро эркин чатишиши ва тўлиқ ривожланган уруғлар олиб фертил F_1 ўсимликлар олинди.

5. $F_1 (M_1 \times M_1)$ ўсимликларда ўсимликлар бўйи ва симподиал шохлар сони ҳамда кўсақлар сони бўйича гетерозис ҳолати кузатилди.

6. Аксарият мутантлараро дурагайларда тола чиқими 42-44% ташкил этди ва бундай ҳолатга оддий навлараро дурагайлаш услуби орқали эришиш мураккаб ҳисобланади

7. $F_2 (M_1 \times M_1)$ ўсимликларда тезпишарлик бўйича ўзгарувчанлик кенг миқёсда кузатилиш натижасида 104-105 кунлик вегетация даврига эга бўлган мутантлараро дурагайлар ажратилди.

8. Энг тезпишар ўсимликлар электрон тезлатгич ускунаси орқали олинган мутант дурагайларда учради. Уларда андоза навига нисбатан 13-14 кунга кўсақлар эртароқ очилди.

9. Мутантлараро чатиштириш натижасида 18-36% ўсимликларда тола чиқими 40-41% ташкил этди ва вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашга 110 та ўсимликлар ажратилди.

10. Мутантлараро дурагайларда тезпишарлик белгиси бўйича ўзгарувчанлик жараёни кенг миқёсда кузатилди ва натижада 104-105 кунлик F_3 мутант дурагай оилалар ажратилди.

11. Хўжалик тезпишарлигини аниқлашда очилган кўсақларни фоизи мутант дурагайларда андоза навига қараганда ўта юқори бўлди, яъни 20 сентябргача очилган кўсақлар 70-90% ташкил этган бўлса, андоза навида эса бу кўрсаткич 50% ташкил этди.

12. Мутантлараро чатиштириш натижасида 33% ўсимликларда тола чиқими 40-41% ташкил этди ва вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашган оилалар ажратилди ҳамда тола ҳосилдорлигини ошириш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилади.

13. M_3 мутант оилаларнинг белгилари бўйича босқичма-босқич чиқитга чиқариш ишлари асосида 10 та оила асосий белгилар бўйича андоза навига нисбатан яққол устунлигини намоён этди ва улар селекцион дастурларда фойдаланиш учун селекционерларга тарқатилди. Улардан 4 таси Т-19, Т-25, Т-32, Т-37 селекция учун донор сифатида тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

ЭРГАШЕВА САЙЁРА ЗАФАРЖОНОВНА

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ГИБРИДИЗАЦИИ МУТАНТОВ РАЗЛИЧНОГО
ПРОИСХОЖДЕНИЯ В СЕЛЕКЦИИ СКОРОСПЕЛЫХ ФОРМ
СРЕДНЕВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Qx204.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Ибрагимов Паридун Шукурович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нариманов Абдужалил Абдусаматович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Абдиев Фозил Рашидович доктор сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 539048). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки номер _____ от «_____» _____ 2019 года).

Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время скороспелость является важнейшим признаком для северных хлопкосеющих стран земного шара. Непрерывной рост населения земного шара и ограниченность посевных площадей орошаемого земледелия требует интенсивного повышения качественного урожая. Для решения этой проблемы ученые работают над созданием сортов сельхозкультур устойчивых к различным, экстремальным факторам. Воздействуя различными мутагенами на районированные сорта и их межмутантная гибридизация, и на основе этого создание нового исходного материала является актуальной задачей на сегодняшний день.

В настоящее время в большинстве хлопкосеющих стран мира достигнуты определённые успехи и искусственный мутагенез является наиболее перспективным способом создания высокопродуктивных сортов хлопчатника, которые общеизвестны в научном мире. Ионизирующая радиация является в руках ученых тончайшим инструментом, позволяющий проникать в хромосомные структуры и процесс мейоза во время конъюгации хромосом в результате которого 4-5 % популяции являются позитивными, а остальная часть в большинстве случаев не представляет интерес в практической селекции. Поэтому перед селекционерами стоит задача на основе мутантных форм создать скороспелые и высокопродуктивные сорта и линии хлопчатника с высоким качеством волокна.

Сорта, создаваемые у нас в стране должны быть не только скороспелыми, но и обладать высокой продуктивностью, качество волокна должно соответствовать требованиям мирового стандарта и обладать относительной устойчивостью к основным заболеваниям и вредителям. Для сочетания отрицательно коррелирующих признаков с высокими показателями в одном генотипе необходимо использовать не только радиационный мутагенез, но и межмутантную гибридизацию хлопчатника. В Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в пункте 3.3 отмечена как важная стратегическая задача «...расширение научно исследовательских работ по созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, а также высокопродуктивных, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям видов животных и внедрение в производство»¹.

В этой связи данная диссертационная работа в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПП-2460 «О мероприятиях по реформе и развития сельского хозяйства в 2016-2020 годах» от 29 декабря 2015 года и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 декабря 2018 года № 1037,

